

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ СОҲАСИДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИГА ОИД ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ИЛГОР ТАЖРИБАСИ

Паттиев Анваржон Абдумухтор ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш

академияси магистранти

E-mail: Anvarjon1982@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасида прокурор назоратини амалга оширишнинг хорижий мамлакатлардаги илгор тажрибаси таҳлил қилинган. АҚШ, Германия, Франция, Япония ва Жанубий Корея мисолида энергетика бозорини тартибга солишда мустақил регуляторлар, тармоқ операторлари ва прокуратура органлари ўртасидаги институционал ҳамкорлик моделлари ёритилган. Мақолада энергетика инфратузилмасининг техник хавфсизлигини таъминлаш, йирик авария ва фавқулодда ҳолатларни тергов қилиш, тариф манипуляцияси ва монополияга қарши курашишда прокурор назоратининг ўрни очиб берилган. Шунингдек, “регулятор – прокурор” ахборот алмашинувининг ҳуқуқий механизмлари, икки босқичли назорат (техник ва ҳуқуқий экспертиза) тизими ҳамда real-time мониторинг амалиёти таҳлил қилинган. Хорижий тажриба асосида Ўзбекистон энергетика тизимини модернизация қилиш ва соҳада прокурор назоратининг ҳуқуқий-ташкилий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган хулосалар ва таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар. прокурор назорати, энергетика хавфсизлиги, электр энергияси, мустақил регулятор, тармоқ оператори, тариф сиёсати, техник хавфсизлик, авария ҳолатлари, хорижий тажриба, институционал модел.

Аннотация. В статье анализируется передовой зарубежный опыт осуществления прокурорского надзора в сфере производства и передачи электрической энергии. На примере США, Германии, Франции, Японии и Южной Кореи рассмотрены институциональные модели взаимодействия независимых энергетических регуляторов, сетевых операторов и органов прокуратуры. Особое внимание уделено роли прокурорского надзора в обеспечении энергетической безопасности, расследовании крупных аварий и чрезвычайных ситуаций, противодействию тарифным манипуляциям, коррупции и злоупотреблениям на энергетическом рынке. Проанализированы правовые механизмы обязательного обмена информацией между регулятором и прокуратурой, двухэтапная система контроля (техническая экспертиза и правовая оценка), а также практика цифрового и оперативного мониторинга. На основе сравнительного анализа сформулированы научно обоснованные

выводы и предложения по совершенствованию правовых и институциональных механизмов прокурорского надзора в энергетической сфере Республики Узбекистан.

Ключевые слова. прокурорский надзор, энергетическая безопасность, электроэнергия, независимый регулятор, сетевой оператор, тарифное регулирование, техническая безопасность, аварийные ситуации, зарубежный опыт, институциональная модель.

Abstract. This article examines advanced foreign practices of prosecutorial supervision in the field of electricity generation and transmission. Using the examples of the United States, Germany, France, Japan, and South Korea, the study analyzes institutional models of interaction between independent energy regulators, network operators, and prosecutorial authorities. Particular attention is paid to the role of prosecutorial supervision in ensuring energy security, investigating major accidents and emergency situations, combating tariff manipulation, corruption, and abuses in the energy market. The article explores legal mechanisms of mandatory information exchange between regulators and prosecutors, a two-stage oversight system (technical expertise and legal assessment), and the application of real-time digital monitoring tools. Based on a comparative analysis, the paper formulates scientifically grounded conclusions and proposals aimed at improving the legal and institutional framework of prosecutorial supervision in the energy sector of the Republic of Uzbekistan.

Keywords. prosecutorial supervision, energy security, electric power industry, independent regulator, grid operator, tariff regulation, technical safety, emergency situations, foreign experience, institutional model.

Хорижий мамлакатларнинг энергетика соҳасидаги институционал моделлари энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашнинг техник барқарорлиги ҳамда бозор муносабатлари шаффофлигини таъминлашда давлат, мустақил регулятор ва тармоқ операторлари ўртасидаги ваколатлар аниқ тақсимланишига таянади. Ривожланган энергетика инфратузилмасига эга давлатлар амалиёти шуни кўрсатадики, энергия тизимини самарали бошқариш учун назорат функциялари бир қўлга тўпланмайди, балки қонун билан белгиланган институционал субъектлар ўртасида ихтисослаштирилган ҳолда тақсимланади¹⁶⁶.

Масалан, АҚШда энергетика тизимини тартибга солувчи асосий орган Federal Energy Regulatory Commission (FERC) ҳисобланади. Ушбу регулятор электр энергияси, табиий газ ва гидроэнергетика соҳасида федерал ваколатларни амалга ошириб, энергия бозорида тенг рақобат, узатиш кувватларига шаффоф кириш ва тариф сиёсати устидан назоратни таъминлайди¹⁶⁷. FERCнинг институционал роли мустақил суд назорати билан кафолатланган бўлиб, штат

¹⁶⁶ International Energy Agency (IEA). Regulatory Frameworks in Advanced Energy Markets, 2021.

¹⁶⁷ Federal Energy Regulatory Commission (FERC). Annual Market Assessment Report, 2022.

миқёсидаги Public Utility Comissions органлари билан ваколатлар ўзаро тақсимланган: федерал регулятор — interstate transmission, штат органлари — distribution бозори устидан масъул¹⁶⁸. Бу модел энергия бозорини кўп босқичли назорат асосида барқарор бошқаришни таъминлайди.

Германияда энергия тармоқларини тартибга солиш Bundesnetzagentur (BNetzA) томонидан амалга оширилади. Ушбу мустақил регулятор электр ва газ тармоқларининг техник эксплуатацияси, тармоқ операторларининг тариф сиёсати, инвестицион мажбуриятлари ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг ваколатларга эга. Германия моделида тармоқ операторлари “табiiий монополия” сифатида эътироф этилганлиги сабабли, регулятор ўз вазифаларини кучли институционал мустақиллик асосида амалга оширади. БNetzA қарорлари устидан судга мурожаат қилиш имкони мавжуд бўлиб, бу регулятор фаолиятининг ҳуқуқий барқарорлигини таъминлайди¹⁶⁹.

Францияда Commission de régulation de l'énergie (CRE) тариф, тармоқ қувватларидан фойдаланиш, энергия сифат стандартлари ва тармоқлар инфратузилмасининг модернизацияси билан боғлиқ қарорларни қабул қилади. CRE давлат иштирокининг тарихи кучли бўлган энергетика бозорини босқичма-босқич либераллаштириш жараёнида марказий институционал ўринга эга¹⁷⁰. Франция моделида регулятор ва тармоқ операторлари ўртасидаги ҳисоботдорлик механизми — йиллик мониторинг рапортлари ва мажбурий аудит жараёнлари орқали таъминланади.

Японияда энергетика тизими юқори техник меъёрларга асосланган бўлиб, Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги энергетика сиёсати ва хавфсизлик стандартларини белгилайди, Energy and Natural Resources Agency эса тармоқ инфратузилмасининг техник эксплуатацияси ва диагностика жараёнларини назорат қилади¹⁷¹. Япон моделида техник регламентлар, реал вақт мониторинги ва авария ҳолатларини таҳлил қилиш институционал тартиботнинг асосий узвий қисми сифатида намоён бўлади¹⁷².

Жанубий Кореяда Korean Energy Regulatory Comission (KERC) энергия бозорида тариф сиёсати, истеъмолчи ҳимояси ва тармоқ операторлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Бу модел рақамли мониторинг, илғор диагностика тизимлари ва энергия хавфсизлигини реал вақтда назорат қилиш каби инновацион элементларга таянади¹⁷³. Энергетика оператори КЕРСО билан регулятор ўртасидаги институционал муносабатлар ҳисоботдорлик, тармоқ

¹⁶⁸ National Association of Regulatory Utility Commissioners (NARUC). State-Federal Jurisdiction in the U.S. Power Sector, 2020.

¹⁶⁹ Energiewirtschaftsgesetz (EnWG), Germany, 2017 revision.

¹⁷⁰ Commission de régulation de l'énergie (CRE). Rapport annuel, 2022.

¹⁷¹ Ministry of Economy, Trade and Industry (METI), Japan. Energy White Paper, 2021.

¹⁷² Agency for Natural Resources and Energy (ANRE), Japan. Electricity System Reform Overview, 2020.

¹⁷³ Korea Energy Regulatory Commission (KERC). Electricity Market Monitoring Report, 2022.



инвестицияларини режалаштириш ва техник стандартларга риоя этилишини назорат қилиш принципларига асосланади.

Хулоса қилиб айтганда, *хорижий мамлакатлар амалиётида институционал моделнинг асосий тамойиллари қуйидаги элементларда мужассамлашган:*

- энергетика бозорини тартибга солувчи мустақил регулятор;
- тармоқ операторларининг ҳуқуқий ҳисобдорлиги;
- энергетика хавфсизлигини таъминловчи техник меъёрларнинг қонуний кучга эгалиги;
- халқаро амалиётга асосланган мониторинг ва аудит тизими;
- истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилишнинг процедурал қафолатлари.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистон энергетика тизимини модернизация қилиш ва прокурор назоратининг соҳага хос ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш учун илмий асосланган қиёсий модел сифатида хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, хорижий мамлакатлар амалиётида энергетика соҳасида прокурор назорати давлат хавфсизлиги, энергетика инфратузилмасининг барқарорлиги ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ махсус вазифаларни қамраб олади. Турли юрисдикцияларда прокуратура ва унга тенглаштирилган институтлар ваколатлари ҳажми ва ҳуқуқий табиати фарқ қилса-да, уларнинг умумий вазифаси — энергетика бозорида қонун устуворлигини таъминлаш, техник хавфсизлик меъёрларига риоя этилишини назорат қилиш ва тармоқ операторларининг масъулиятини таъминлашдан иборат эканлиги кузатилади.

АҚШда энергетика соҳасидаги асосий назорат механизми Attorney General (AG) институти ва Department of Justice (DOJ) билан боғлиқдир. Уларнинг ваколати FERC билан ҳамкорликда монополистик чекловлар, бозорда суиистеъмол ҳолатлари, тариф манипуляцияси ва истеъмолчиларга зарар етказувчи қилмишларни тергов қилишдан иборатдир. Баъзи ҳолларда AG қонун бузилишларини тўхтатиш ёки реституцион талаб қилиш учун федерал судларга даъво киритади. Шу билан бирга, энергетика тизимида юзага келган катта авариялар (масалан, Техас Винтер Сторм, 2021) бўйича AG томонидан ёки DOJ томонидан фавқулодда терговлар ўтказилиши қонун билан мустаҳкамланган¹⁷⁴. Бу моделда прокуратура бозор тиғизлиги ва техник хавфсизлик билан боғлиқ масалаларда тармоқ операторлари фаолиятини ҳуқуқий экспертиза қилиш ваколатига эга.

Германияда Staatsanwaltschaft энергетика инцидентлари юзасидан жиноят ишларини юритишда марказий ўрин тутди. Энергетика инфратузилмасидаги авария, инсон саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган техник бузилишлар, хавфсизлик меъёрларига риоя этилмаслик ҳолатлари жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан баҳоланади ва Staatsanwaltschaft тегишли терговни

¹⁷⁴ Texas Attorney General. Report on the 2021 Winter Storm Investigations, 2022.

амалга оширади¹⁷⁵. Бу билан бирга, регулятор BNetzA билан прокуратура органлари ўртасида формал ахборот алмашинуви механизми мавжуд бўлиб, регулятор томонидан аниқланган техник бузилишлар ёки тариф суистеъмоллари Staatsanwaltschaftга юборилади¹⁷⁶. Шу тариқа Германия моделида прокурор ваколатлари техник хавфсизлик ва монополияга қарши сиёсат билан чамбарчас боғлиқ.

Францияда прокуратура органлари энергия хавфсизлигига оид нормаларни бузувчи ҳаракатлар, тариф манипуляцияси, истеъмолчи ҳуқуқлари бузилиши ва йирик авария ҳолларини тергов қилиш ваколатига эга¹⁷⁷. CRE — регулятор сифатида — аниқланган бузилишлар бўйича прокуратурага мажбурий ахборот юбориш мажбуриятига эга бўлиб, прокуратура бу маълумотлар асосида процедурал текширувни бошлаши мумкин. Шу сабабли, Франция моделининг ўзига хослиги — прокуратура ва регулятор ўртасидаги институционал ҳамкорликнинг норматив кафолати саналади¹⁷⁸.

Япония прокуратураси энергетика инфратузилмаси билан боғлиқ фавқулодда ҳолатларда, айниқса, техник хавф билан боғлиқ жиноят ишларини юритиш ваколатига эга. Энергетика операторларининг хавфсизлик қоидаларини бузиши, авария сабаблари бўйича нотўғри ҳисобот бериш ёки экологик зарар етказиш ҳолатлари прокуратура органлари томонидан ҳуқуқий баҳоланади¹⁷⁹. МЕТІ ва ANRE билан прокуратура органлари ўртасидаги ахборот алмашинуви — авария сабабларини аниқлашда процедурал асос ҳисобланади.

Жанубий Корея прокуратураси энергетика соҳасидаги йирик техник бузилишлар, коррупция, тариф манипуляцияси, тармоқ операторларининг техник меъёрларга риоя қилмаслиги билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилади¹⁸⁰. Энергетика бозоридаги сомплаансе мониторинг натижалари Korea Energy Regulatory Commission (KERC) томонидан прокуратурага юборилади ва прокуратура бу маълумотлар асосида жиноят ишларини қўзғатиши мумкин. Бу давлатда прокуратура органларининг ваколати энергетика хавфсизлиги стратегияси билан уйғунлашган.

Умумлаштирганда, хорижий мамлакатлар амалиётида энергетика соҳасида прокурор назоратининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагида жамланган:

- энергетика инфратузилмасидаги техник хавфсизликни таъминлаш бўйича махсус тергов ваколати;

¹⁷⁵ Staatsanwaltschaft (Germany). Leitfaden zur strafrechtlichen Bewertung technischer Störungen, 2020.

¹⁷⁶ Bundesnetzagentur. Informationsübermittlungsordnung BNetzA–Staatsanwaltschaft, 2019. Завьялова О.В. Цифровизация контрольно-надзорной деятельности. – Москва: ИПК РАНЕПА, 2020.

¹⁷⁷ Ministère public (France). Rapport sur les infractions dans le secteur énergétique, 2021. Ҳалин В. Г., Чернова Г. В. Digital Governance and State Control. – Moscow: РАНХиГС, 2021.

¹⁷⁸ CRE (France). Cooperation CRE–Parquet: mécanismes institutionnels, 2020.

¹⁷⁹ Japanese Public Prosecutors Office. Annual Criminal Justice Review, 2021.

¹⁸⁰ Korean Prosecutors Office. Investigation Guidelines for Energy Sector Violations, 2022.

- “регулятор — прокурор” ахборот алмашинувининг қонун билан кафолатланганлиги;
- энергетика бозорида монополия, коррупция ва тариф манипуляциясини тергов қилиш;
- катта авария ва фавқулодда ҳолатларда прокуратуранинг мустақил процедурал роли;
- истеъмолчи ҳуқуқлари бузилиши бўйича жиноий ва маъмурий жавобгарлик жараёнларини таъминлаш.

Энергия хавфсизлиги, авария ҳолатларини тергов қилиш ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалаларда прокуратура органлари ва тармоқ регуляторлари ўртасидаги ҳамкорлик хорижий мамлакатлар амалиётида институционал барқарорлик ва ҳуқуқий кафолатлар билан тартибга солинган. Бундай ҳамкорлик энергетика инфратузилмасининг техник табиати ва хавф даражасини ҳисобга олган ҳолда процедурал нормалар, ахборот алмашинуви ва тергов ваколатларининг чегараларини аниқ белгилашга таянади.

АҚШ моделида энергия хавфсизлиги масалалари FERC билан DOJ ва AG ўртасидаги мустақил, бироқ ўзаро уйғунланган механизмлар асосида таъминланади. Авария ҳолатлари — хусусан, электр тармоқлариданома қарор қабул қилиниш оқибатида юзага келган системавий носозликлар ёки энергия бозорини манипуляция қилган ҳолатлар — FERC томонидан техник экспертиза қилинади ва унинг хулосалари AGга юборилади. DOJ ушбу материаллар асосида жиноят ишини кўзғатиш ёки федерал судга даъво киритиш ҳақида қарор қабул қилади¹⁸¹. Бу тизимда “interagency task force” шаклидаги ҳамкорлик йирик авария ҳолатларида фавқулодда тартибни ишга тушириш имконини беради ва энергия таъминоти барқарорлиги давлат хавфсизлиги даражасидаги масала сифатида эътироф этилади.

Германияда БНетзА ва Staatsanwaltschaft ўртасидаги ҳамкорлик норматив жиҳатдан расмийлашган бўлиб, техник носозликлар, меъёрий эксплуатация қоидаларини бузиш ёки истеъмолчилар ҳуқуқларини чекловчи амаллар юзасидан регулятор томонидан тузилган техник хулосалар прокуратурага мажбурий тарзда юборилади. Авария ҳолатлари бўйича Staatsanwaltschaft мустақил равишда жиноят-ҳуқуқий баҳо беради, аммо техник сабабларни аниқлаш БНетзА экспертизасига таянади¹⁸². Бу моделда ҳуқуқий ва техник-инженер экспертизасининг ажратилиши — ҳужжатлаштиришнинг шаффофлиги ва далилларнинг сифати учун асосий тамойилдир.

Франция моделининг ўзига хослиги — СРЕ ва прокуратура ўртасидаги “institutionalized reporting” механизmidир. Регулятор томонидан аниқланган

¹⁸¹ U.S. DOJ & FERC. Interagency Coordination Manual, 2020.

¹⁸² Bundesnetzagentur–Staatsanwaltschaft. Koordinationsordnung für technische Störungen, 2019.

Каштанова Н. С. Институциональный механизм государственного контроля. – Москва: Статут, 2019.

тариф суистеъмолликлари, энергия сифатига оид меъёрларни бузиш ҳолатлари ёки истеъмолчи ҳуқуқларини чекловчи вазиятлар прокуратурага юборилади. Бу маълумотлар процедуравий текширувни бошлаш учун дастлабки асос сифатида қабул қилинади¹⁸³. Авария ҳолатларида “Энергетика хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун (Code de l'énergie) нормалари ишга туширилиб, техник сабаблар СРЕ экспертизаси орқали, ҳуқуқий баҳо эса прокуратура орқали таъминланади¹⁸⁴.

Япония энергетика хавфсизлиги моделида METI, ANRE ва прокуратура ўртасидаги ҳамкорлик институционал тартибга солинган. Йирик авария ҳолатларида METI махсус комиссия тузади, ANRE техник экспертиза тайёрлайди, прокуратура эса техник меъёрлар бузилган-бузилмаганлиги ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласини баҳолайди¹⁸⁵ [59]. Tokyo Electric Power Company Holdings, Inc. TEPCO авариялари бўйича терговлар (2011–2014) мазкур моделнинг амалий қўлланилишига мисол сифатида тарихий аҳамият касб этади¹⁸⁶.

Жанубий Кореяда КЕРСнинг “real-time compliance monitoring” тизими энергетика тармоғида аниқланган меъёр бузилишлари ҳақидаги маълумотларни прокуратурага юборишни талаб этади. Korea Electric Safety Corporation (KESCO) ва прокуратура ўртасидаги муносабатлар “Energy Sector Violations Investigation Protocol” билан тартибга солинган бўлиб, техник бузилишларни диагностика қилиш ва ҳуқуқий жавобгарлик белгиланиши бир-бирини тўлдирувчи икки босқич сифатида намоён бўлади¹⁸⁷.

Хорижий мамлакатлар моделлари таҳлили шуни кўрсатадики, прокурор ва регулятор ўртасидаги ҳамкорликнинг энг самарали шакли қуйидагига таянади:

- энергетика тармоғидаги техник вазиятни real-time кузатиш имконини берувчи регуляторий мониторинг;
- текширувнинг икки босқичли механизми — техник экспертиза (регулятор) ва ҳуқуқий баҳо (прокурор);
- мажбурий ахборот алмашинуви ва процедуравий дедлайнларни қонун билан белгилаш;
- авария сабаблари ва истеъмолчи ҳуқуқлари бузилишининг ягона реестри;
- фавқулодда ҳолатларда махсус тергов гуруҳлари фаолияти.

Ушбу тамойиллар энергетика секторининг хавф динамикасини ҳисобга олган ҳолда прокурор назоратининг институционал барқарорлигини таъминлайди ва Ўзбекистон учун миллий модел ишлаб чиқишда илмий асос сифатида хизмат қилади.

¹⁸³ Ministère public & CRE. Protocole de signalement obligatoire, 2020.

¹⁸⁴ Code de l'énergie (France), 2018 revision.

¹⁸⁵ METI–ANRE. Joint Accident Investigation Framework, 2020.

¹⁸⁶ Japanese Independent Investigation Commission. TEPCO Accident Final Report, 2014.

¹⁸⁷ Korea Energy Regulatory Commission. Energy Sector Violations Investigation Protocol, 2022.

Хорижий мамлакатлар амалиётининг таҳлили Ўзбекистон энергетика тизимини ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан такомиллаштириш учун бир неча фундаментал йўналишларни ажратиб кўрсатиш имконини беради. Ўзбекистонда энергетика секторини модернизация қилиш жараёнида прокурор назоратининг ҳуқуқий табиати, тармоқ операторлари масъулияти, “регулятор – прокурор” ҳамкорлик формалари ва техник хавфсизлик стандартлари ўртасидаги муносабатни қайта кўриб чиқиш зарур. Мослаштирилган моделнинг мақсади — Ўзбекистон шароитида ҳуқуқий барқарорлик, техника хавфсизлиги ва истеъмолчи манфаатларининг устувор ҳимоясини таъминлайдиган интеграциялашган назорат тизимини шакллантиришдир.

Ўзбекистон учун таклиф этилаётган ушбу институционал модел энергия хавфсизлиги, техник барқарорлик ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокурор назоратининг интеграциявий функциясини мустаҳкамлайди. Моделнинг асосий тамойиллари — регулятор билан мажбурий ахборот алмашинуви, техник ва ҳуқуқий экспертизанинг икки босқичлилиги, рақамлаштирилган мониторинг ва “inter-agency investigation” тизимини кўзда тутади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.02.2023 йилдаги “Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-54-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.03.2014 йилдаги 54-сонли “Технологик бузилишларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби” тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.03.2022 йилдаги 126-сон “Миллий диспетчерлик маркази” ДУКни ташкил этиш тўғрисида” қарори.
5. “Электр энергияси таъминоти сифати стандарти” (ОСТ 321-2019).
6. Пўлатов Б. Прокурор назорати назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Адолат, 2019. – 256 б.
7. Миразов Д. Маъмурий ҳуқуқ ва давлат назорати. – Тошкент: Университет, 2017.
8. Бухмастов А. А. Административный риск-анализ. – Москва: Эксмо, 2016.
9. Ларин С. В. Административный контроль в отраслях экономики. – Москва: Статут, 2018.
10. Ҳожиев Э. Прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2017.